

⊙ В. П. ЧКАЛОВ номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ветеран ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Евгений Халаповни ҳамма ҳурмат қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Моҳир ишчи 35 йилдан буён корхонада ишлаб келади, ўнлаб шогирдлар тайёрлаган устоз. Унинг Ватан олдидаги хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

СУРАТДА: ветеран ишчи Евгений Халапов ёш ишчилар Т. Кочерова, Э. Хашаева ва И. Шомуродоваларга ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб бермоқда.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

# БУЮК БАШОРАТ

## Ф. ЭНГЕЛЬСНИНГ «ОИЛА, ХУСУСИЙ МУЛК ВА ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ» АСАРИ НАШР ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

БУНДАН ЮЗ ЙИЛ муқаддам, 1884 йилнинг октябрь ойи бошида Германия социал-демократларининг Цюрихдаги нашриёти «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» китобини чоп этди. Унинг муаллифи бутун дунё социалистларининг таниқли ғоявий раҳбари, бундан бир ярим йил илгари вафот этган Карл Маркснинг дўсти ва сафдоши Фридрих Энгельс эди. Муаллифнинг таърифига кўра, бу китоб муайян даражада илмий социализм буюк асосчисининг васияти асосида ёзилган эди. Маркс вафот этишидан бироз олдин америкалик олим Г. Морганнинг янги асари билан танишиб чиққан эди. Г. Морган узоқ йиллар давомида Шимолий Америка индеецлари орасида бўлган, уларнинг урф-одатларини кузатган, бунинг натижасида кишилик жамияти тарихининг ибтидоий даврлари тўғрисида муайян хулосаларга келган эди. Бу хулосалар Маркс билан Энгельс томонидан тарихни материалистик тушуниш соҳасидаги кашфиётларини объектив тарзда тасдиқларди. Энгельс дўстининг адабий меросини кўздан кечирар экан, ушбу асарга Маркснинг ўзи томонидан қилинган кўпдан-кўп изоҳларга дуч келди. Улар Маркснинг Морган маълумотлари асосида алоҳида китоб ёзиш нияти бўлганлигидан далолат берарди. Энгельс сафдошининг бу режасини амалга оширишни ўзи учун ҳам қарз, ҳам фарз деб билди. У китоб устида ишлар экан, Маркснинг изоҳларидан кенг фойдаланди.

Китоб ишчи социалистлар ва зиёлилар доирасида дарҳол катта қизиқиш уйғотди. Энгельснинг кўпгина дўстлари ва издошлари асар тўғрисида юқори фикр билдирардилар. Масалан, А. Бебель бу китобни партиянинг муҳим ютуғи, деб ҳисоблади. У социалистик ҳаракат қатнашчилари, биринчи навбатда, бу ҳаракатнинг раҳбарлари Энгельс асарини ўрганиб чиқишлари зарурлигини таъкидлади. Кўпгина социалистик газеталар ва журналлар саҳифаларида мазкур асардан қисмлар, баъзан эса бутун-бутун боблар эълон қилинарди. Энгельс китобини француз, инглиз, рус, итальян, поляк, дания ва бошқа тилларга таржима қилиш тўғрисида жуда кўп таклифлар олди. Унинг ҳаётлиги пайтида бу асар олти марта немис тилида, ўн икки марта бошқа тилларда нашр этилди. Китоб марксча адабиётлар ўртасида энг оммабоп ва машҳур асар бўлиб қолди. В. И. Ленин, кейинчалик уни ҳозирги давр социализмининг асосий асарларидан бири, деб таърифлаган эди.

Энгельс кишилик жамияти тарихининг ибтидоий даврларида бу жамият ривожланишининг характерли белгилари ва хусусиятларини ғоят аниқ ва ишонарли тарзда тушунтириб берди, унинг эволюциясининг ички сабаблари ва манзарасини гавдалантирди, давлат ва унинг моҳияти ҳақида муҳим хулосалар чиқарди. Энгельс Морганнинг асаридаги жуда кўп маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, қадимий Юнонистон ва Рим тарихи бўйича қўшимча манбалардан ҳамда ўзининг қадимий Ирландия ва Германия тарихи бўйича тадқиқотларига тааллуқли материаллардан ҳам фойдаланди.

Энгельс ибтидоий жамоа тарихи бўйича ўша пайтда мавжуд бўлган барча материалларни чуқур таҳлил этиб ва умумлаштириб, уни синфсиз жамият, деб характерлади. Зеро, мазкур жамоанинг хўжалик турмуши коллективизм негизига асосланган эди. Энгельс ишлаб чиқариш кўникмалари ривожлана, меҳнат унумдорлиги ўсаборган сари ибтидоий жамоадан инсоният ривожланишининг зарур босқичи сифатида уруғчилик структураси пайдо бўлганлигини кўрсатиб берди. У Морганнинг кузатувлари ва хулосаларига, ибтидоий жамоада турли халқларда оилавий муносабатлар қандай ривожланганлиги хусусидаги таҳлилларга асосланиб, оилавий муносабатлар ривожланишининг турли формаларини — ибтидоий умумий никоҳдан ҳозирги даврдаги якка оилачилик формасигача кузатиб чиқди. Энгельс жамият эволюциясида бу муносабатларнинг ролини кўрсатиб берди, ишлаб чиқариш воситалари ўзгарган сари оила формалари ўзгаришининг ички алоқасини кашф этди. У хотин-қизларнинг феодал ва буржуа жамиятида тенг ҳуқуқли бўлмасликлари сабабларини очиб кўрсатди ва фақат социализм ғалабаси билангина хотин-қизларнинг чинакамига тенг ҳуқуқлилиги таъминланишини исботлади.

Ўша пайтда буржуа тарихчиларида қабул қилинган нуқтаи назардан фарқли ўлароқ, Энгельс хусусий мулк аввал бошдан кишилик жамиятига асло хос бўлмаганлигини, кишилар минглаб йиллар давомида мулкка умумий, уруғчилик, қабилачилик асосида эгалик қилиш тузуми шароитида яшаганликларини исботлади.

Асар муаллифи хусусий мулкнинг пайдо бўлиш жараёнини, мулкий тенгсизликни, ҳукмронлик қилиш ва бўйсуниш муносабатлари, пировард натижада антогонистик синфлар ташкил топишини ёрқин бўёқлар билан тасвирлаб берган. У бу жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи — ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши ва меҳнат унумдорлиги ўсишини кўрсатиб берди. Булар бошқа кишилар меҳнатини ўзлаштириш, демак уларни эксплуатация қилиш имконини яратди.

Илғор ишчилар ва социалист зиёлиларнинг бу асарга эътиборларини дарҳол тортган энг муҳим нарса эса бу давлатнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ҳамда янги ижтимоий тузум ғалабасининг муқаррарлиги тўғрисидаги асосий фикр, асосий ғоя эди. Шу сабабли ҳам китобни Германияда нашр этиш имкони бўлмади. Чунки ўша пайтда Бисмаркнинг реакцион ҳукумати социалистларга қарши чиқарган қонунни амал қилаётган эди.

Энгельс буржуа олимлари ва журналистларининг давлатни синфлардан юқори турувчи, айни пайтда барча синфлардан устун бўлган ҳамда бутун жамият манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилаётган куч сифатида тасвирлашларига қарама-қарши равишда марксча тушунчани қўйди. Давлат, деб ёзган эди у, туб моҳияти билан энг қудратли, иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфнинг органидан бошқа нарса эмас. Бу синф давлат ёрдамида сиёсий ҳукмрон синфга айланади.

Сўнгги юз йилнинг бутун тарихи мазкур тушунчанинг ғоят тўғрилигини тўла тасдиқлайди. Ҳозирги пайтда ҳам Энгельснинг буржуа демократик республикасига берган таърифи ғоят аниқ ва тўғрилиги билан ажралиб туради: бойлик ўз ҳокимиятидан билвосита фойдаланади, деб ёзган эди у. Бунда бир тарафдан, у амалдорларни тўғридан-тўғри сотиб олса (Америка бунинг ёрқин намунасидир), иккинчи томондан, бу форма ҳукумат ва биржа ўртасидаги иттифоқ шаклида бўлади.

Энгельс ўша пайтда эндигина намоён бўлаётган ва фақат империализм даврида тўла-тўкис намоён бўлган жараёнларни нақадар зукколик билан башорат қила олганлигига қойил қолиш мумкин.

Энгельс умуман давлат ва хусусан буржуа давлати моҳиятини белгилаб бериш билан чекланмади. У давлатнинг умуман ўткинчи эканлигини, коммунизм тўла ғалаба қозониши ва синфсиз жамият тузилиши билан йўқолиши муқаррарлигини ҳам кўрсатиб берди. Синфлар аввал муқаррар равишда қандай пайдо бўлган бўлсалар, деб ёзган эди у, худди шундай муқаррар равишда йўқ бўладилар. Синфлар йўқолиши билан давлат ҳам муқаррар равишда йўқолади.

Ўтган юз йил давомида кишилик тарихи ибтидоий даврларини ўрганишда олға қараб ғоят улкан қадам қўйилди. Шу сабабли ибтидоий жамоа оилалари формаларининг айрим белгилари, синфсиз жамиятларни даврларга бўлиш ва баъзи бошқа нарсаларга фаннинг сўнгги ютуқлари асосида аниқлик киритишга, айрим ҳолларда эса тўғрилашга ҳам тўғри келинди. Бироқ муаллиф концепциясининг умумий, асосий хусусиятларига кўра тўғрилиги бутун тарихий тараққиёт томонидан ҳам, археология, этнография, антропология ва бошқа фанлардаги энг сўнгги кашфиётлар билан ҳам тасдиқланди. Бу концепция ҳозирги кунда ҳам келгусидаги тадқиқотлар учун назарий асос ва таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Энгельснинг асари ҳамон илмий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам жуда муҳимдир. Ҳозирги пайтда ҳам унга қизиқиш кучли эканлиги бунинг далолатидир. Социализм учун курашчиларнинг бир неча авлоди бу асардан кўп нарсани ўрганишган. У олтмишдан ортиқ тилларга таржима қилинган, ҳозир ҳам турли мамлакатларда нашр этилаяпти.

**Б. ТАРТАКОВСКИЙ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

(АПН)

# КОММУНИСТ ВА ЖАМОАТ ТОПШИРИҒИ

2515-автоколонна коллективи ўтган йили юк ташиш планларини бажара олмади. Кўп йиллардан бери колоннада бундай ҳол юз бермаган эди. Партия ташкилоти ушбу ҳолатни атрофлича ўрганиб чиқди. План бажарилмаслигига олиб келган объектив ва субъектив сабаблар анализ қилинди. Партия бюросида мутасадди ўртоқлар йўл қўйган хатолари учун жавоб бердилар. Ишни яхшилаш учун кадрлар ва коммунистлар масъулиятини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Партия бюросида кўрилган чоралар ўз самарасини берди. Колоннада 1984 йилнинг саккиз ойлик юк ташиш плани 101 процентга бажарилди. Паркдан фойдаланиш коэффициенти яхшиланиб, ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1,1 процентга ошди.

Автоколоннада меҳнатни ташкил қилишнинг прогрессив формалари кенг қўлланмоқда. Ҳозирги пайтда мавжуд 34 та транспортчилар бригадаларининг 11 таси пудрат асосида иш олиб бораётир. Пудратчи бригадалар 1984 йил юк ташиш планини 27 ноябргача, ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили планини эса 1 октябргача бажаришга аҳд қилганлар. Ўтган йили 76 нафар ҳайдовчи ўз машиналарида капитал ремонтсиз 300 минг километр йўл босиш ташаббусини бошлаб берган эди. Бу йил ташаббускорларнинг сафи 106 кишига етди. Ишлаб чиқариш илғорлари сафида Н. Сёмочкин, Р. Ҳожиметов, Д. Турдиев. Ё. Имомов, С. Йўлдошев, К. Ахмедшин, Б. Жўрабоев каби коммунистлар бор.

Автоколонна партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партбюро секретари Ю. Н. Волков ва музокараларда сўзга чиққан коммунистлар қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда партия ташкилоти ишидаги камчиликларни ҳам очиқ-ойдин айтиб ўтдилар.

Колоннада машиналарга техник хизмат кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Чунончи, техник хизмат ишлари икки сменада ташкил этилмаган. Агар бу иш икки сменада ташкил этилганда, кечқурун созланган машиналар эрталаб бемалол ишга чиқиб кетиши мумкин эди.

Автоколоннада КамАЗ машиналари учун янги корпус қурилиши бошланганига анча вақт бўлишига қарамай, бу қурилиш ҳанузгача ниҳоясига етказилмади.

Коммунистлар касаба союз фаолиятини ҳам ўринли танқид қилдилар. Колонна ошхонаси талаблар даражасида ишламайди. Ҳайдовчиларнинг илтимосига мувофиқ буфет очиш ишига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Касаба союз комитети қошидаги комиссиялар фаолияти ниҳоятда суст.

Баъзи коммунистлар партия топшириқларини бажаришга масъулият билан ёндошмайдилар. Бу нарса И. Боровиков, В. Корнеева, Ҳ. Иброҳимов, Т. Абдуллаева каби КПСС аъзоларининг ҳисоботлари партбюрода тингланганда маълум бўлди.

### ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Партия мажлисларида коммунистларнинг активлиги сезилмайди. Коммунист Х. Орипов ўтган йили партия взносини ўз вақтида тўламаганлиги учун бюро мажлисида муҳокама қилинган эди. Аммо у бундан жиддий хулоса чиқариб олмади. Ю. Тожибоев, Н. Қосимов каби коммунистлар ҳам КПСС Устави талабларига тўла риоя этмаяптилар. Партия ташкилоти илғор ҳайдовчиларни КПСС сафига қабул қилиш билан жиддий шуғулланмаяпти.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида партия ташкилоти комсомолга раҳбарликни яхши йўлга қўймаганлиги таъкидлаб ўтилди. Комсомолда иш олиб бораётган ёш коммунистлардан Н. Зиёвуддинов ва И. Гохберглар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмаяптилар. Автоколонна бошланғич комсомол ташкилоти ҳисобида 70 нафар ВЛКСМ аъзоси бор. Бироқ, уларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлиги, ташаббускорлиги сезилмаётир.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши натижасида шу нарса аён бўлдики, кўпинча коммунистларга суриштирмай, пухта ўйламай турли хил топшириқлар берилаверади. Коммунистлар ушбу вазифаларни бажаришга улгуролмайдилар. Жумладан, партия бюросининг секретари Ю. Н. Волковни олайлик. У Киров район партия комитетининг аъзоси, шаҳар Совети депутати сифатида қатор топшириқларга эга. Унга район ижроия комитети қошидаги депутатлар группасига раҳбарлик қилиш ҳам юкланган. Табиийки, Ю. Волков ана шу топшириқларнинг барчасини талаблар даражасида бажара олмайди. Катта бир корхонанинг партия бюроси секретари бўлишнинг ўзи энг муҳим партиявий топшириқдир.

Район партия комитети коммунистларга партиявий топшириқлар бераётганда уларнинг имкониятларини ҳисобга олиши керак. Бундан ташқари бошланғич партия ташкилотларида Киров район партия комитети, шаҳар партия комитетининг масъул ходимлари тез-тез бўлиб туришлари мақсадга мувофиқдир. Ана шундай қилинганда жойлардаги камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар, топшириқлар бериш мумкин бўлади.

Автоколонна коммунистлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларида ишлаб чиқаришни юксалтириш, коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни янада яхшилаш борасида қимматли таклиф ва мулоҳазаларни билдирдилар. Партия бюроси коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари, таклиф ва истакларини амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни бажаришга зудлик билан киришиши керак. Партия ташкилоти ўз фаолиятида КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва область партия комитетининг IV пленуми қарорларини амалга оширишга жиддий аҳамият бериши лозим.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ.**

### В. И. ЛЕНИННИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИ

В. И. Ленин 10 томлик танланган асарларининг биринчи томи босмадан чиқди. Нашрга Лениннинг йирик, муҳим асарлари киритилган ҳамда партия, комсомол ва касаба союз активи кенг доирасига, студентлар ва аспирантларга, В. И. Ленин ғоявий-назарий меросини ўрганишга қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Биринчи томга В. И. Лениннинг 1894—1900-йилларда ёзган асарлари, жумладан «Халқ дўстлари кимлар ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар» деган асосий асари киритилган.

В. И. Ленин танланган асарларининг 10 томлик нашрини КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти босмага тайёрлади ва сиёсий адабиёт нашриёти чоп этмоқда.

(ТАСС).

# КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

**Меҳнат ветерани Тимофей Ильич Игумнов номини республикамиз пойтахтидаги «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳурмат-эътибор билан тилга оладилар. У кўп йиллар давомида шу корхона коллективи сафида бўлиб, ўзининг меҳнатга виждонан, сидқидилдан муносабатда бўлиши туфайли касбдошлари ўртасида катта обрў орттирди. Шаҳар Советининг депутати, бирлашма партия комитетининг аъзоси, бир неча йилдан бери коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номини шараф билан оқлаб келаётган Тимофей Ильич Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигини шахсий меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракатида бажонидил қатнашмоқда. У ўн биринчи беш йиллик топшириғини шу қутлуғ санагача бажариш ҳақида олган шахсий мажбуриятини шараф билан бажарди. Шу кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот бермоқда.**

**Моҳир ишчи смена топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этади. Унинг ўртача иш кўрсаткичлари ҳар ойда 150 процентдан кам бўлмаяпти. Қўлидан чиққан маҳсулотлар бир кўришдаёқ техника контроли бўлими томонидан қабул қилинади. Тажрибали ишчи ўзининг шахсий тамғасига эга.**

**Ҳар доим бутун тажриба ва маҳоратини сарфлаб ишлаётган Тимофей Ильич шу кунларда ҳам суръатга суръат қўшмоқда. У республика юбилейигача яна икки ойлик топшириқни бажариш ҳақида зиммасига олган янги мажбуриятини бажариш учун фидокорлик кўрсатмоқда.**

**М. МАҲМУДОВ.**

# МУРАББИЙ

Николай Алексеевич Феоктистов узоқ йиллар давомида Бўзсув темир йўл станциясида бош кондуктор бўлиб ишламоқда. Касбини жон-дилдан севади. Шунинг учун ҳам ҳар доим сидқидилдан ва виждонан ишлайди. Ўзининг шундай меҳнати билан коллектив ҳурмат-эътиборини қозонган.

20 йилдан ортиқроқ вақтдан бери шу касбда ишлаб келаётган Н. Феоктистов ўз билими, тажрибасини ёшлар билан доим баҳам кўради. Зарур бўлиб қолса қўлидан келган ёрдамини аямайди.

Тажрибали ишчининг таълимини олган кондукторлар станцияда анчагина бор. Қувватбек Асанов, Яшар Қодировлар ҳам унинг шогирдлари ҳисобланади. Улар ўз устозлари каби меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар, кўпчиликка намуна бўлишяпти.

Станция бошлиғи Иноғом Шоҳалилович Шожалилов катта кондуктор Николай Алексеевич ҳақида илиқ сўзлар айтди.

— Ҳар куни станциямиздан,— деди станция бошлиғи И. Ш. Шожалилов,— турли хил юклар ортилган юзлаб вагон белгиланган манзиллар томон жўнатилмоқда. Бу нормадагидан 40—50 вагон кўпдир. Бунда катта кондуктор ва унинг шогирдлари ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Улар станциямиз меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақада доим пешқадамлик қилишяпти. Топшириқларни ўз вақтида зиёдаси билан адо этмоқда.

**И. ЗИМИН.**

# БОШ КИЙИМЛАРДА ЮБИЛЕЙ БЕЛГИСИ

Й. Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси 3-цехи чеварлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Шу кунларда цехда юбилей белгиси билан беш хил моделдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Тайёрланаётган 30 хилдаги бош кийимларнинг ўн хилига давлат сифат белгиси берилган.

Цехдаги бригадалар иши пудрат асосида ташкил этилган. Шунинг учун ҳам меҳнат унумдорлиги кескин ошмоқда, маҳсулот сифати яхшиланаяпти. Коллектив ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили саккиз ойида пландан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу муваффақиятга айниқса Матлуба Орифжонова, Сафура Алиева, Хатира Пўлатова каби қўли гул чеварлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Қ. ОБИДОВ.**

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# «ЧАЙҚОВЧИЛАРГА ЙЎЛ БЕРК!»

**«Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва Ўзбекистон телевидениесининг қўшма рейди материаллари «Бозордаги олибсотарлар», «Фойда операцияси», «Чайқовчиларга йўл берк!» сарлавҳалари остида эълон қилинган эди. Мазкур мақолалар юзасидан қатор мутасадди ташкилотлардан олинган жавобларнинг бир қисмини газетанинг илгариги сонларида маълум қилгандик.**

**Юқорида саналган мақолалар юзасидан Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрининг ўринбосари М. Х. Ғозиев имзоси билан ҳам жавоб олинди. Қуйида шу жавобни диққатингизга ҳавола қиламиз.**

**«Узтрансэкспедиция» республика бошқармаси газеталарда босилган ва телевиденеда томошабинларга кўрсатилган мазкур мақола ва кўрсатувда келтирилган танқидий мулоҳазаларни бошқарманинг кенгайтирилган советида кўриб чиқди. Советда мақолада келтирилган ҳамма фактларнинг тўғри эканлиги, айрим транспорт воситаларидан баъзи шахслар ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганликлари тўғри кўрсатилганлиги қайд этилди.**

**Бирлашма маъмуриятининг буйруғи билан шофёрлардан Пак, Чемирбоев, Иброҳимовлар машина ҳайдашдан четлаштирилган. Йўловчиларнинг ҳақига хиёнат қилгани учун шофер Чемирбоев устидан жиноий иш қўзғатилган.**

**53-28 номерли автобус шофери Х. Қодиров бир ойга автобус ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, гаражга ишга ўтказилган. Шу автобуснинг иккинчи шофери Лимарга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.**

**Шоферлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бўшаштириб юборгани, улар ишини етарли назорат қилолмагани учун автоколонна бошлиқлари Қодиров ва Аҳмедовларга ҳайфсан эълон қилинган.**

**Автотранспорт воситаларидан фойдаланишни назорат қилишни бўшаштириб юбориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташишда белгиланган тартиб-қоидаларнинг бузилишига йўл қўйганликлари учун транспорт агентлигининг бошлиқлари Тўраев, Усмонов, Цой, Ниғматуллаевларга ҳайфсан эълон қилинган.**

**Бошқарма маъмуриятининг буйруғи билан автотранспорт воситаларидан фойдаланишни етарли назорат қилмаганликлари учун «Ташоблтрансэкспедиция» бирлашмасининг бошлиғи Караханян, бирлашма эксплуатация бўлимининг бошлиғи Мусаевлар огоҳлантирилган. Транспорт хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Тўхтарова ва шу бўлимнинг инженери Буджуров ўртоқларга ҳам ҳайфсан берилган.**

**Автомобиль транспорти министрлиги етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш ва йўловчиларга автобус хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини кўрмоқда.**

# ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

ОҚҚЎРҒОН районидаги Навоий номли колхозда сунъий сут ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот район хўжаликларига ёш бузоқларни озиқлантириш учун етказиб берилмоқда. Айни кунларда цехда бир сменада 7 тоннага яқин сунъий сут ишлаб чиқарилмоқда. Бунда цех мудири Чинали Мелибоев, механик Нусриддин Аладинов, ишчилардан Алишер Абубакиров, Дилшод Абдураҳмоновларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Янги цех ишлаб чиқараётган сунъий маҳсулот чорвачиликни бирмунча ривожлантириш ва маҳсулдорликни ошириш имконини беради.

**Қ. САИДИНОХУНОВ.**

# СИФАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ

Республикамиз, шу жумладан областимизда йўл қурилиши йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янгиларини бунёд этиш билан бирга мавжудлари кенгайтирилмоқда, уларнинг техник даражаси ошириляпти. Бунга асосан ишнинг сифатини яхшилаш ҳисобига эришилмоқда. Сўнгги йилларда йўл қурилиши учун ишлатиладиган турли-туман материалларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори чидамлилик даражасини оширишга катта эътибор берилаётганлиги учун ҳам шундай бўлмоқда.

Йўлларнинг мунтазам равон ҳолатда бўлишини таъминлаш юзасидан муайян илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда, фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда, қурилиш материаллари сифатини янада яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўриляпти. Бунда давлат аттестацияси, лаборатория ва метрология воситалари билан назорат қилиш ҳам катта роль ўйнамоқда. Республика автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги саноат корхоналарида сифатни бошқаришнинг кичик системалари жорий қилинмоқда. Жумладан, Наримоновдаги асфальт-бетон заводида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси ишлаб турипти. Унинг самараси дуруст бўлмоқда. Коллектив меҳнатининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда.

Транспорт ҳаракати кескин даражада кўпайган, автомобилларнинг вазни тобора ортиб бораётган ҳозирги вақтда йўллар устига асосан мустаҳкам, чидамли асфальт-бетон ётқизилмоқда. Бунинг учун шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи заводлар тармоғи вужудга келтирилди. Улар қоришма ишлаб чиқаришнинг йилдан-йилга кўпайтирилишини таъминламоқда. Бундай қоришмалар тайёрлашда юксак даражада унумли бўлган «тельтомат» типидаги қориштиргичлар фойдаланиляпти.

Йўл қурилиши сифатини оширишга олиб келган яна бир ижобий омил шу бўлдики, ҳозирги вақтда корхоналарда ишлаб чиқарилаётган деярли барча маҳсулот биринчи категорияли сифат билан аттестация қилинмоқда. Қўйлиқдаги экспериментал кўприк темир-бетон конструкциялари заводи ишлаб чиқараётган қатор маҳсулот турлари Давлат сифат белгисига сазовор бўлган.

Министрлик бўйича корхоналар стандартларини, сифатини бошқаришнинг комплекс системаси бўйича низомлар ва техник топшириқлар ишлаб чиқиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Фақатгина шу йил тармоқнинг 20 та корхонасида комплекс системани жорий қилиш режалаштирилган. Айрим корхоналарда бу система ишлаб турипти.

«Узоргтехдорстрой» трестимиз республика Госстройи билан ҳамкорликда норматив-техник ҳужжатлар хилини ишлаб чиқди. Бу ҳужжатлардан фақатгина министрлигимизда эмас, республикамиз қурилиш индустриясининг барча бошқа бинокорлик ва лойиҳалаш ташкилотларида ҳам фойдаланилади.

Ҳар йили сифат бўйича кўрик-конкурслар ўтказиб туриш анъанага айланиб қолди. Бу тадбирдан асосий мақсад тайёрланаётган маҳсулот ва йўл қурилиши ишлари сифатини оширишдан иборатдир. Айрим корхоналаримиз ҳатто мамлакат бўйича ўтказилаётган ана шундай беллашувларда фаол қатнашиб, мукофотли ўринларни эгалламоқдалар. Айниқса, Қўйлиқдаги экспериментал кўприк темир-бетон конструкциялари заводи коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар юксак баҳо олмоқда. Яқинда СССР Госстройи, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитети ҳамда СССР Архитекторлар союзи корхонага юксак сифатли маҳсулот тайёрлаётгани учун иккинчи даражали диплом ва 1500 сўмлик пул мукофоти беришга қарор қилдилар. Министрлигимизга қарашли яна икки ташкилот республика Госстройи, тармоқ касаба союзи республика комитети ва Ўзбекистон архитекторлар союзининг дипломлари ва Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Йўл қурилиши ва унда ишлатиладиган материаллар сифатини ошириш, кўрик-конкурслар ўтказиш, сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий қилиш ижобий натижа бермоқда. Аксарият кўпчилик янги қурилган йўллар «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилпти. Бу муҳим йўлдаги изланишлар бундан буён ҳам кенг кўламда давом эттирилаверади.

**М. ФЕЛЬДМАН,**
**«Узоргтехдорстрой» трестининг бош метрологи.**

